

Сўнмас у кунлар шухрати

Табаррук инсон

Улуғ Октябрь тенгдоши бўлган Сайиддин ака Исмамухамедовнинг ҳаёт йўли ҳамма учун ибратлидир. 1941 йили фашистлар Германияси она-Ватанимизга қарши тажовузорона уруш бошлади. Шу йил Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетини тугатган Сайиддин бир гуруҳ касбдош дўстлари билан она-Ватан ҳимоясига отилди.

1941 йил октябр ойининг оғир кунларида Харьков Харбий академиясининг курсантлари билан биргаликда шахар мудофасини ташкил қилиш ва уни душмандан ҳимоя этишда фаол иштирок этди.

— Биз дастлаб Совет Украинаси томон йўл олдик, — деб хотирлайди 3. Исмамухамедов. — У ердан кўнчилик қатори мен ҳам аввал Харьков шаҳрининг ўзида, кейинроқ эса Зиневе районига ҳарбий машқларда қатнашдим. Бироқ азият мураккаб, чунки тиштироғига қуролланган, сон жихатидан устуни турган фашист газдалари Ватан ичкарисига кириб келмоқда, шахарга яқинлашмоқда эди.

Ҳарбий азият машқларини ижро этиш борица тезкорлик билан тугаллашни тақозо этарди. Шу сабабли ўқиш тўхтатилди. Курсантларнинг бир қисми

Харьковда шахар мудофасини ташкил қилишда кўмаклашиш учун қолдирилди. Ана шу алоҳида тузилган курсантлар батальонига Сайиддин ака ҳам бор эди.

3. Исмамухамедов ўзи ва жанговар дўстларининг ғалаба бўлган зўр ишончини тасвирлаб, шундай ҳикоя қилади: «Уша даҳшатли оғир кунларда, ҳарбий-техника жиҳатидан ўстун бўлган, кучли ва маккор душманга қарши олиб борилган курашда жангчиларнинг ғалаба бўлган ишончини мустақимлашган нарсаси — Ватан ва партиёга бўлган чексиз садоқат эди».


Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугади. Лекин халқимиз олдида улкан вазифалар турар эди. Уруш тугагани билан бўлган жойларни тиклаш, жараҳатларни тугатиш учун жонбозлик қилганлар қатори Сайиддин ака ҳам илм-маърифат тарқатиш, ёшларнинг онги, дунёқарашини шакллантириш йўлида тинмай ишларди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги маданий-оқартув муассасалари комитетининг лекция пропагандаси бўлимига бошчилик қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг лектори вазифасида ишлади. Ўз касби —

ўқитувчиликни, ёш авлодин коммунистик идеаллар руҳида тарбиялашни ҳаётган устоз, лекторлик билан бирга педагогик ҳам қилди. Тошкент давлат медицина институтларининг фалсафа кафедрасида ишлади.

Салкам ўттиз йилдан буюн устоз Тошкент кишлоқ хўжалик институтига ёш авлодга илм сирларини ўргатиш, уларни ватанпарварлик, халқпарварлик, интернационализм, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Доим студентлар ётоқхоналарида лекциялар, суҳбатлар ўтказиб туради. Партиа ва ҳукуматимизнинг сиёсатини ёшларга тушунтириш ишларини олиб боради.

Сайиддин Исмамухамедович илмий-педагогик, методик-тарбиявий ва лекторлик ишларини доим уйғунлаштириб олиб боради. У доим масъулиятин сезиб хизмат қилади, шу масъулият ҳиссини шогирдларига ҳам синдиришга интилади. Шу бонс у шогирдлари орасида катта ҳурмат ва эъзозга лойиқ.

Ш. ҚАМБАРОВА, Тошкент автомобиль транспорт ва йўллари институти доценти.



БҲАЖАК ТАНҚИЛЛАР.

Р. Шарипов фотоси.

Туб ўзгариш йўлида

металлургия саноати 85 процентдан зиёд маҳсулотни топширди. Давлат қабулини жорий қилиш осонлиқча бўлган йўқ. Бунинг учун корхоналарда анчагина ишлар қилинди. Ҳумладан, лойиҳалаш ва технология ҳужжатларни тартибга солиш, эски асбоб-ускуналарни янгисига алмаштириш каби ишлар амалга оширилди. Корхоналарда технология интизом ва техник назорат бўлимидаги ишлар қайта кўриб чиқилди. Бу бўлими ишчилари аттестациядан ўтказилди. Ўтук муҳассислар жамланди.

Давлат қабули органлари асосан етакчи муҳассислар қабул қилинди. Давлат қабули раҳбар ходимлари СССР Стандартлар давлат комитетининг Ўзбекистондаги малака ошириш институти филиалида ўқитилди ва ўқитилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, корхоналарда 1987 йилнинг бошидан давлат қабулига ўтишга ҳамма тadbир ва чоралар қўрилди.

Ўтган йил натижалари шуни кўрсатдики, давлат қабули сифатсиз маҳсулот чиқаришга чек қўйди.

Давлат қабули хўжасизлигини, турғунлигини, ҳал қилинмаган кўп йиллик муаммоларни, план кетидан кувиб сифатини унутиб қўйиш, «ҳай-баракаллачиллик» каби иллатларни очиб ташлади. Янгича иш усулига ўтишда баъзи корхоналар етарли тайёргарлик кўрмаганликлари анча қийинчиликлар туғдирди.

А. КАРИМОВ,

Республика стандартлар бошқармаси бўлим бошбашли.



Тошкент бадий буюмлар фабрикасининг пешқадим тикувчиси Аяла Музаффарова йил бошидан буюн социалистик муСОбадада фаол қатнашиб, коллективга намуна бўлади. Унинг фидокорона меҳнати муноСОб тақдирланапти. Ҳурмат Белгиси орденига сазовор бўлган.

Бутуниттифок XIX партия конференцияси шарафига у ва ҳамкасблари ўз зиммаларига янги мажбуриятлар қабул қилишди. Масалан, А. Музаффарова конференцияга беш йиллик тошхирини уч ярим йиллик бажариш мажбуриятини олди. Шу кунларда ана шу юксак аҳдига яраша қўйилди билан ишлашти, барча имкониятларни ишга сояшти.


СУРАТДА: илғор тикувчи А. Музаффарова. М. Нуриддинов фотоси.

Ёшлар стажировкаси—кенг йўл

Бу йил Ўзбекистон ёш олимпияда гуруҳлари Совет Иттифоқи ва бир қанча чет мамлакатларнинг катта-катта илмий марказларида стажировкадан ўтишга биринчи марта жўнаб кетди. Бундан буюн шундай командировкалар одат бўлиб қолади. Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитетида тошкентлик ёш олимпиянинг Ўзбекистон ССР Фан-

лар академияси президенти П. К. Ҳабидуллаев ва республика Фанлар академияси президиумининг аъзолари билан учрашувда ана шулар мазмун қилинди. Илмий ёшлар фан-техника ижодиёти ривожлантириш, илмий кадрлар тайёровини яхшилаш масалаларини муҳокама қилди. (ЎзТАГ).

27 март—Хотира куни



ХАЁТДА ҳар хил воқеалар бўлади.

Бир гал Назарбек томонларга йўлим тушиб, қабристон ёнидан ўтиб қолдим. Ички бир туйғум шу ерга кириб, зиёрат этишга даъват қилди. Бейхитёр ичкари кирдим. Нега шундай қилдим, то ҳануз билмайман.

Қабристон назоратчисининг тавозе билан берган саломига алик олиб, ўнгидан йўлгага бурилдим.

— Ўғлим, сизни танимай турибман, кимингиз бор бу ерда?

— Шундоқ, ўзим, — бошча нима дейишимни билмадим. Назоратчи ҳам аябланди шекилли, елка қисиб қўйқолди.

Ёдгорлик тошларида ҳасратли ёзувлар. Хотиралар, умрларини ўлчови — рақамлар...

Бир мармар тошдаги ёзувни ўқидиму, юрагимга чақин тушгандек ўртаниб кетдим.

«Оддий аскар Сайидминов Сайдулла Сайидбурхонвич 1963—1982 хизмат бурчини адо этаётганда ҳалок бўлган».

ЎН тўққиз ёшида ҳалок бўлган. Н тўққиз ёшда...

Қанақа ёш бу ўзи? Мўйлаби эндигина сабаб урган, навиқрон йигит ёши. Кўё бўлишга улгурмай, қўлларига қурол тутиб жангга отланган. Лаблири балки ихзори дил этиб улгурмасдан «Ватан учун!» сўзларини такрорлаган.

Қандай алоқ йигит эдинг ўзи, Сайдулла?

ЎН тўққиз ёшида, энди кўзларига ҳаёт ўз чиройини, латофатини кўз-кўзлаётган пайтда абадиётга кетди... Йўқ, тасаввур қилиб бўлмайди бунини.

ЎН тўққиз ёшли йигитнинг келажакни олдинда эди. Оруларни, армонларни эндигина тугилган эди қалбида. Балки у физик бўлармиди? Балки ҳуқуқшунос бўлиб қилин қирқ ёрармиди? Ҳар нима бўлганда ҳам келажакнинг буюк бир кишини энди йўқ. Демак, Ватан учун ҳам уни йўқотиш оғир, го-ятда оғир...

Соғларига бевақт оқ оралаган, тик қалди намондек доқ бўлган ота ўз ўғлини хотирлаб қабрига гул қилишни тоғдан кўчган харсангдан кўра оғирроқ...

Сайдулла 1981 йил октябрда ҳарбий хизматга қабурилганда Сайидбурхон аканинг юраги бир ўртаниб тушди. Лекин кўсини гуруҳ тоқ қилди. Ахир йигит ўстириб, Ватан ҳимоясига, ҳарбийга отланганини чексиз фахр-ку!

Сайдулла ҳам севингдан ўзини босолмасди. Ўртоқлари Баҳодир, Раъшан, Бахтиёрларга ҳадеб бир сўзини такрорларди:

— Мана, биз ҳам Армияга кет-яппиз!

Поездга чиқаётганда Сайидбурхон ака, Дилбар опа уни галмагал бағирларига босишди.

Кўклам чечаклари, қайдасиз?

Очерк



Сайдулладан икки-уч ҳафтада хат келди. «Биз ҳозир жанубда-миз, — деб ёзарди у мактубида, — ҳарбий машқларни бошлаб юбордик. Ҳарбий ҳаёт жуда серза-ҳат экан. Эҳ, орталаб туриб то кечгача машқлар, ажойиб жанго-вар ўртоқларим. Йўқ, ҳаммасини ёзишга сўзим етмайди...»

Кейинги хат эрта баҳорда, дўст Афғонистондан келди. Бу хат со-ғинча тўла эди.

«...Хавотир олманглар мендан. Тинчман. Аммо бувимни, адажон, ойижон сизларни, ака-опаларимни соғиндим. Тошкентни жуда соғин-дим. Ёнг қизига бу ерданги манза-ралар худди она шаҳримиздаги ман-зараларга ўхшайди. Ўшанақа да-рахт, ўшанақа ариқлар. Мен са-пёрлигини ўрганишман...»

Сайидбурхон ака хатни ўқиб бўл-ди-ю, негадир юраги орзиқиб туш-ди. «Нима бўлди ўзи менга? — ўйлади у. — Ахир ёзбди-ку тинчман деб. Ўзим ҳам ваҳима бў-либ қолишман».

Сайидбурхон ака отланб кўчага чиққанини кўриб Дилбар опа тааж-жубланди:

— Ха, йўл бўлсин! — Кўнглимга келиб қолди. Шо-гут, гилос кўчати олиб келай. Ў-ғлинг яхши кўради. Сайдулла ҳар-бий хизматдан қайтувчида ҳосилга кириб қолса ажаб эмас...

тилини соқов қилди. Улар кел-ган-кетганга нажот истаб терму-лишар, «ҳабаб ёлгон экан, ишон-манглар» деган сўзни қуттишарди... Ҳамма ёш тўла кўзларини улар-дан олиб қочарди...

24 августда қуролдош ўртоқ-лари Сайдулланинг тутилган кун-ини нишонлашди. Уни тўрга, ало-ҳида жойга ўтказишди. Унинг ҳа-лоллигини, мардлигини, алқаб «қадаҳ» — ширин чой қўтариш-ди.

Сайдулла ёнидан хат чиқарди. — Бугун олдим. Акам Сайди-носир уйланаётган экан. Эҳ, насиб қилмайди шекилли бу тўй.

— Отпусқа олсанг бўлмайди-ми? — деди бир солдат. — Йўқ, дейишмас.

— Жанговар топириқ борку! — Бўлмаса бажариб бўлиб сў-райсан.

— Варибир, насиб қилмаган, ўртоқлар...

Опозицион кучлар тўрт минг метр баландликдан тоғ ёнбағирларига мустаҳ-кам ўрнашиб олганди. Ўша ёнча олиб борадиган йўл ми-налаштирилган. Қадам босдинг — ажал сиртмоғига тушасан. Қан-дай бўлмасин йўл тозаланиши ке-рак. Ўзга чора йўқ.

Бир гуруҳа солдатлар йўлни минадан тозалай бошлашди. Улар орасида Сайдулла ҳам бор эди.

Ишончли мулоқот

«...Афғонистонда интернационал бурчини бажариб қайтган ва қайтма-ган жангчилар ҳақида кўпроқ материаллар берсангиз...»

Улуғ Ватан уруши ветеранлари Т. ШАМСИЕВ, И. ОТАБЕКОВ ва бошқа-ларнинг «Ишончли мулоқотга йўллаган мактубларидан».

Ўша кун эр-хотин кўчат экиш-ди. Отанинг ниятлари тўғри экан-ми, сал кундаёқ ниҳоллар барг ёзди.

Отанинг кўнгли ёришиб, ўғли-га мактуб битди. Ниҳолларни ало-ҳида тилга олди.

Сайдулладан ҳам қувонч тўла хат келди. «Борсам шотутнинг ҳам, гилоснинг ҳам мевасини, ал-батта, биринчи бўлиб ўзим ейман», деб ёзбди у.

«Қани эди», — ўйлади Саид-бурхон ака.

«Қани эди», — ўйлади Дилбар опа.

Вожааб, икковининг тилаги бир ердан чиқди.

...Сайдулла ҳарбий хизматга кетганининг 12 ойда машғум ха-бар келди: «Ўғлингиз хизмат бур-чини ўтаётганда қаҳрамонларча ҳалок бўлди...».

Гўё мусаффо осмонда қақмоқ чақди, момақалдироқ бўлди. Бу ха-бар ота-онанинг қулогини кар,

Қобиги ва механизмлари пласт-массадан ишланган миналарни «мина излагич» билан топиш мушкул. Сапёрга қўл келадиган ягона усул — тажриба ва маҳорат. Инглишчи мумкин эмас. Чунки хато — биринчи ва охи-риси бўлади.

Кун қизиган, ҳарорат 50 дара-жа. Юз-кўзлардан тер қуяди. Юраклар гурс-гурс уради. Ўлим билан юзма-юз туриб, ҳаёт учун кураш борарди. Улар то белгилан-ган баландликка етгунча саконта минани зарарсизлантиришди.

Ғолиблик нашъаси узоққа бор-мади. Пистирмаларда ётган оппо-зицион кучлар қўзғундек ўғ ё-диришди. Жанг бошланди. Ўқлар виз-виз учар, тошларга тегиб чат-наб кетарди.

Сайдулла тош орасидан серсо-қол кимса сўқмоқнинг нариги бе-тидаги дўстини нишонга олаётгани-га кўзи тушди. Сакраб ўрнидан турди.

— Арик, эҳтиёт бўл! — қич-қирди у.

Шу онда кўсини чангаллаб сўқмоқча йиқилди. Бармоқлари орасидан қип-қизил қон сизиб чиқди...

ЎН тўққиз ёшида ҳалок бўл-ди.

У Ватанини жуда севарди. Бу-ни сира айтмаган эди. Ҳаёти би-лан айтиди.

У қўшинни севарди. Ўзи кў-шиқча айланди. У Садоқат номи билан саболарда, тонги ҳаволар-да, садоларда жаранглайверди. Сўниш билмайди.

У юлдузларни яхши кўради. Хонадонига «Қизил Юлдуз» бў-либ қайтди.

Унинг учун атаб экилган гилос, шотут нишона — кўрсатди. Бирин-чисини ҳеч ким емади. Ўзи сев-ган она Ерга тушди илк мевадар...

У ҳалол эди. Қаллобликни хуш кўрмасди. Дўст учун ҳар нарсатга тайёр эди. Охирида дўст учун фидо бўлди.

УН тўққиз ёшида ҳалок бўл-ди...

Сайидбурхон ака одимлаб қаб-ристондан чиқиб кетди. Ёдгорлик устида эса бир даста чечак қол-ди...

Бу ҳикояни ўша ерда ашнтдим. Қўклам юртимизда барқ уриб турибди. Қаёқча қарамағ гул, сабаб чечак, фанат Сайдул-ланинг маъносига қабри атрофи-да улар сийрак.

Чидолмадим. Шунда юрагим-дан бир нидо ҳайқириб чиқди:

ЭИ баҳор! Қани сенинг этак-этак гулларинг? Гулдек ум-рини мен деб, сен деб совурган йигитнинг бошидан нега ўргул-майсан? Қайси иблисинг, риёкор-нинг, пасткашинг қабрини гул-ларга буркайсан! Кел, бутун гул-ларингни унинг бошидан соч! То-ки бу қабр гулларга тўлсин. Эшит-яйсизларми, қайдасиз, кўклам че-чакларинг?

УН тўққиз ёшида ҳалок бўл-ган кун эди...

Темур УБАДУЛЛО.

Машқ майдонидаги ўйлар

УЛУГ ВАТАН УРУШИ ҚАТНАШЧИСИ ПОЛКОВНИК Л. Ф. СЕРГЕЕВГА

Взвод яраб чўқарди ерга, Дам олишга берилса фурсат. Мазза қилиб бир папиросни Чекар эдик набатна-набат.

Танклар ўкраб, қийиллаб, ўқлар,

бир озгина олар экан тин. Ён дафтарим кўксига ўқдек ёғдирардим сўзларимни мен.

1. «Тревога!» Аслагахона талотумга тўлди саҳарда. Жўнаб кетдик машқ

майдонига,

Иссиқ ўрин қолди шаҳарда. Хинил бўла бошлайди

кўнгли,

алланечук ғалат туйғудан. Не учундир эриш туюлар, ёвни босиб олаёқ уйқуда.

2. Асп ёвни ёнимда меннинг йўлларимни доим тўсар у. Отасининг каттадир қорни, соясида яраб ўсар у.

Рост айтасиз, аммо сўзингиз, мағзин шундай қақишим тайин —

Егйини қийратиб ўлдириб жангда осон, машқада қийин! 3. Жазавали ашула айтар — автоматик қичқирар тинмай.

Мен тик туриб ўқлар ўзаман, жанговар буйруқча бўйсунмай. Ёқилмадир, тик боса бориб, ғанимларнинг юрагин ёрмоқ. Жонга теғди, пусиб ётмоқ ёв томонга эмаллаб бормоқ.

4. Баъзан-баъзан тегарма боқиб,

сесканаман яшин ургандек: Курашмиш деганлар гўё фокат машқ қилиб юргандек! Сотқин ҳавфли

Душманингдан-да,

у ўз жонин талмин еб яшар. Жангда ҳалол бўлган аскарлар жангда кўпроқ ҳалок бўлишар.

5. Милити тугган қўллар тушга

қўлтиқтайи кирса уятдир. Ким ўз юртин ҳимоя қилиб ўлса, ўша ўлим — ҳаётдир. Жон қадрига етган ҳам марддир —

у Ватанини жоним деб билар. Этиги чанг бўлмаган аскар халқ манглайини шўрдан-шўр қилар!

6. Ичкилмагини Ватан ордонамас,

нақ кўксингда турарин тушун. Билки, кўрқок, юраксиз аскар —

байрогини бой берган қўшин! Душманга раҳм қилса ким ўзи қилиб кетайди итдай.

Қўриб ташлаш керак уларни чегарадан бостириб ўтмай! 7. То ўлгунча шу сўзларингиз ҳаёлимдан кетмайди нари: — Энди сизлар Буюк

Ватанинг

энг ишонган офицерларин! Отангизнинг сафига кириб эркак бўлиб яшангиз сизлар.

Хурсанд бўлсин, сочини ўриб сизни кутиб ўтирган қизлар. Омон бўлинг — мард бўлинг

фокат,

бу ҳаёда сира адашманг. Ёвларингиз тугмай туриб истефого қичишга шовманг!

Аъзам УҚТАМ.

Солдат хандалари

Қисмда ўзининг яхши инти-зомин билан бошқалардан аж-ралиб турадиган оддий солдат Ҳанимов шахарга рухсатнома олиб, кўчага чиқди-да, автобус-га ўтирди. Кейинги бекатда ав-тобусга бакуват, мўйловдор майор чиқди. Солдат ҳурмат билан ўрнидан туриб, майорга ҳарбийҳақсига салом бериб, ун-га жой кўрсатди.

— Утиравнинг, — ҳечқиси йўқ, — деди майор. Набатда-га бекатга етиб келишганда ҳам ахлоқ-одобли Ҳанимов ўр-

нидан туриб, яна майорга честь берди. Майор ҳам унга жава-бан честь берди-да:

— Утиравнинг, ўтиринг!!! — деди.

«Автобус бир оз юрганидан кейин, солдат ўзини нуқулай эс-теди шеклини, яна ўрнидан турди.

Майор ваҳожат билан афти-ни буриштирди-да, баланд овоз билан:

— Сизга неча марта айтиш керак? Утиринг деганман, бу сизга буйруқ, тушундингизми?

Оддий солдат Ҳанимов деди: — Уртоқ майор, мени кечи-расиз-у тушмоқчи бўлган жо-яни... бундан уч бекат орқа-да қолиб кетди...

Маршда кетаётган солдат ор-када қолдиб, рухсатсиз сий қи-лиш мақсадига сакраб девор-дан ошиб кетди. Сакраб туш-ди-ю, тўппа-тўғри командирга дуч келди. Солдат ўзини дар-ҳол ўнглаб олиб, честь берди:

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек демократик адабиётининг ривожланиш даврига кенг ўрин берилган. Экспозицияда бу давр адабиёт вакиллари — Муҳаммад, Закирий, Аваз Утарлар каторида алоҳида ўрин тутувчи Зокиржон Холмухаммад ўғли Фурқат ҳаёти ва ижодини ёритувчи материаллар ҳам бор. Бу материаллар Фурқат ҳаёти ва ижодий фаолиятининг Тошкентдаги ҳамда чет эллардаги давлари ҳақида ҳикоя қилади.

Бу ерда Фурқатнинг Тошкентдаги фаолияти бой материаллар билан ёритилган. Тошкентда Фурқатнинг ижодий фаолияти самарали бўлди. Шойр 1889—1891 йилларда ижтимоий ҳаётда юз бераётган янгиликларни кўзатиб борди. Рус маданияти ва адабиётини севиб ўрганиш унинг ижодий камолотида катта роль ўйнади. Бу пайтда шойрнинг «Гимназия», «Илм хосияти», «Театр ҳақида», «Виставка хусусида», «Суворова» каби асарлари яратилди. Фурқат ўзининг бу асарлари билан халқни янги маданият ҳаётига қақиради, фан ва маърифатни тарғиб қилади.

Фурқат ўзининг илғор фикрларини кўпчилик ўртасида таништириш учун матбуотда қатнашиб турди. У вақтда Тошкентда ўзбек тилида чиқадиган газетга — «Туркистон вилоятининг газети» эди. Фурқатнинг бир қатор мақолалари, шеърлари шу газетга саҳифаларидан нашр этилган. Шу жиҳатдан экспозициядаги расм Махотининг «Фурқат босмаҳонада» деб номланувчи санъат асари томошабин диққатини ўзига жалб этади. Асарда шойрнинг газетга ишлари билан яқиндан танишганлиги жонли ҳикоя қилинган.

Фурқат Тошкентда яшаган давларида тез-тез рус театрларини кўриб турар эди. Рус

каби бир қанча шеър ва мактубларида Ватанга, ҳаётга бўлган муҳаббати акс этган.

Бу ерда намойиш этилаётган В. Есенковнинг «Фурқат Грецияда», «Фурқат Истамбулда», «Фурқат Арабистон йўлида» деб номланган асарлари муҳлисларда ажиб бир ҳиссиёт уйғотади. Айни пайтда, томошабин кўз олдида меҳнаткаш халқнинг қалбидеги муқаддас озолиқ ҳислари бўйланган, ҳақоратланган, золимлар ҳукм-

бирлигида тушган суратни, шойрининг дўстларидан Бобоқон, ҳожи ва Муҳаммад қориларнинг ҳам расмларини кўришлари мумкин.

Музейда етук олимларимизнинг шойр ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи ҳамда у яшаган давр ҳақида маълумотлар берувчи илмий асарлардан намуналар кўйилган. Шойрининг ижтимоий фикрлари ҳақида муфассал маълумот берувчи И. Мўминовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тарқиқи тарихидан», В. Зокиржоннинг «Ўзбек адабиёти тарихидан», Х. Расулнинг «Фурқат ва Муҳаммаднинг ижтимоий-сиёсий қарашлари», шунингдек, «Фурқат ва Муҳаммад ҳақида мақолалар» тўплами, И. Акбаров нашрга тайёрлаган «Муҳаммад ва Фурқат ашуллари», А. Абдуғафуров томонидан нашр этирилган «Зокиржон Фурқат номи мақолалар тўплами ва бошқа китоблар кўргазмага ташриф буюрган муҳлисларда катта қизиқиш уйғотади.

Витриналарда Фурқат асарларининг турли нашрлари тегиб кўйилган. Шойр асарлари фақатгина бизнинг давримизга келиб ўз қадр-қимматини топди. Шойрининг бу ердаги «Шеърлар», «Танланган асарлар», «Фурқат. Танланган асарлар» I ва II том, «Лирика» сингари китоблари алоҳида аҳамият касб этади. Фурқатнинг бу китобларга жамланган шеърлари ўзининг чуқур маънавий эга бўлиши, услубининг гузалиги, оҳангдорлиги билан халқимиз қалбига сингиб кетган.

Бақодир ВАЛИЕВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Х. С. Сулаймонов номидаги кўпмаъража институтининг директори ўринбосари.

Маърифат куйчиси

Суворова ким эмиш бир катта одам, Бақодирлик била машхури олам. Эмиш Русияга сардори лашкар, Юруб амри била бисёр аскар. Сипоҳилик ишига моҳир эркан, Кўп ишлар доғи андин зоҳир экан.

Музей залларида Фурқатнинг чет эллардаги ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи экспонатлар ҳам мавжуд. Фурқат Туркия, Греция, Болгария, Миср, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда бўлди. Бу даврда шойр Ватан муҳаббатини, ўз озолиги учун курашувчи халқларни мадҳ этувчи оташин шеърлар яратди. Шойрининг «Баҳор мавсуми», «Кашмирли қизга», «Сенгидек яхши ёр ўлмас», «Оҳим», «Рост сўз айтсам агар», «Адашганман»

рон бўлган даврда, халқ оммаси қаторида замона ғуссасидан ичи қонга тўлган, қаттиқ эзилган, шу билан бир қаторда илғор фикр эгаси бўлган — шойр Фурқат сиймоси гавдаланади. Кўргазмада «Фурқат Ерқентда табиблик қилмоқда» номли маҳорат билан чизилган асар ҳам бор. Маълумки, у ҳақиқлик билан шугулланиб, беморларнинг тез соғайишига ёрдам қилиш тилагида доривор-ўсимликларни ўрганган. Бу асарда расмсом В. Есенко Фурқатнинг бир неча болаларни даволаётганини тасвирлаган.

Нодир ҳужжатлар сақланган витриналарда Фурқатнинг кўлемза асарларидан фотонусхалар, шойрининг Ерқентдаги баёзларидан олинган саҳифаларнинг нусхалари ўрин олган. Шунингдек, адабиёт муҳлислари Фурқатнинг ўғиллари Нисомжон ва Нодиржонлар суратини, унинг қариндошлари

Санъатнинг сеҳрли олами

Нафосат билан учрашув

Кундалик турмушга гўзаллик бахш этиш, нафосатга муҳаббатни тарбиялаш — Тошкентда бўлиб ўтган бадиий буюмлар аукциони (ким ошди савдосининг мақсади). Унинг кўпгина иштирокчилари республика Архитекторлар союзининг кўргазмалар залида уч кун давомида намойиш этилган экспонатлар билан олдиндан танишдилар.

Кўргазма — савдон Совет маданияти фонднинг Ўзбекистон республика бўлими ташкил этди. Бу ерга расмсомлар, шунингдек ҳаваскор усталар томонидан яратилган тўрт юздан ортиқ санъат асарлари кўйилган эди.

Манзарали-амалий санъат буюмлари айниқса одамларнинг ҳавасини келтирди. Шарқ ҳаёти манзараларини тасвирловчи сопол буюмлар бажонидил хариш этилди. Уларни чет эллик туристлар зўр қизиқиш билан харид этдилар.

Ким ошди савдосини ўтказиш аёнага айланмоқда. Фақат тўланиб қолган буюмларини сотиш учун эмас, шу билан бирге ҳар бир буюм ўз харидорига етиб бориши учун бундай савдо ташкил этилмоқда. Ким ошди савдосининг шакли ҳам тақомиллаштирилмоқда. Чунки, бу галги аукционда олдингидаги «Бетан» ети баравар кўп буюмлар сотилди. Салон-мағазини аукциондаги янгилик бўлди. Бу ерда расмсомларнинг ким ошди савдосига чиқмаган асарларини сотиб олиш мумкин эди.

Камчиликлар ҳам бўлди: ким ошди савдоси эълон қилинган вақтдан анча кеч бошланди, анди буюмлар каталогини йўқ эди. Айрим асарларнинг жуда кимматлиги — 1600 сўмга қадар нарх қўйилганлиги кўпчилиги таъжубга солди. Бундай нарх қўйилган бадиий қартиналар қимматлига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аммо уларни махсус мағазиналарда сотиш ахишроқ бўлса керак. Буннинг устига яхши реклама қилинмаган учинчи йил ағин-соини сабаб бўлдики ким ошди савдоси иштирокчилари доираи аниқ чотор бўлди — харидорлар сонини бу ерга қўйилган буюмлар сонидан кам эди. Шунга қарамай, ким ошди савдоси нафосат билан ҳақиқий учрашувга айланди.

(ЎЗАТ).

Саҳнада — Пуччини

Кейинги йилларда Тошкент Давлат консерваториясининг студентлар опера студияси репертуари қатор янги спектакллар билан бойимокда. Композитор Россинининг машҳур «Севилья сартороши» операси студентлар ижросида ўзининг янги таълиқини топди. Опера студияси Пуччинининг миниатюралари устида жиддий иш олиб борди. Миниатюраларга Дантеининг «Идиот» комедияси воқеалари асос қилиб олинган.

Сатиринг воситаларга бой янги постановкани саҳналаштиришда студиянинг музика раҳбари ва дирижёри В. Неймер, режиссёр ва расмсом А. Слонимларнинг ижодий ҳиссалари катта бўлди.

С. ОДИЛОВА.



«Бир донишмандга ёш она шундай савол берибди:

— Менин болам бир ёшга тўлди. Унинг тарбиясини қачон бошлаганим маъқул? Донишманд шундай жавоб берибди:

— Сиз роппа роса бир йилу тўққиз ойга кечикбисиз.

Ҳа, бу ҳикоятнинг замирида катта маъно бор. Йўл ҳаракати қондаларини ҳам болаларга ёшлик чоғидан ўргатган маъқул. Бу билан биз келажакда бўлган болаларнинг турли йўл ҳодисаларидан ҳоли бўлишига, уларнинг соғлом ўсишига эришган бўламиз. Фақат ўтган йилнинг ўзида болалар билан боғлиқ 650 та йўл-транспорт ҳодисалари рўй берди. Бу бахтсиз ҳодисалар туфайли 33 бола нобуд бўлди ва 640 нафар бола қаттиқ тан жароҳати олди.

Аммо айрим районлардаги мактаб ва болалар муассасаларининг раҳбарлари кичиктоиларга йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш ишларига яхши эътибор бермаётган. Масалан, бундай суст-нашк туфайли ўтган йили Киров районида болалар билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисалари 5,6 процент, Ле-

нин районида 15,8 процент, Чилонзор районида 23,3 процент, Сергели районида 44,1 процента кўпайди. Рақамлардан кўриниб турибдики, янғ кўп бахтсиз ҳодиса Сер-

дотларга илм олишдан маҳрум бўлди.

Текширилган 10 та мактабдан атиги учтасида отадил шартномалари бажарилаётганлигининг гувоҳи бўл-

Оталиксиз қолган мактаблар

гели районида бўлган. Шунинг учун ҳам райондаги мактабларнинг маъмуриятлари бу масалага жиддий эътибор бермоқликлари керак. 1987 йилда Сергели районида болалар билан боғлиқ 49 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Натияжада бир бола нобуд бўлди, 52 бола эса тан жароҳати олди. 29 нафар мактаб ўқувчиси қаттиқ тан жароҳати олганлиги туфайли маълум муд-

дини тузатиш ишларини ўргатиб келмоқда. Қиз болалар эса ана шу автокорхонага қарашли болалар богчасида тарбиячилик касбига кўникма ҳосил қилмоқдалар.

Ленин, афсуски мактаблар билан шартнома тузишга тузиб, аммо уни бақармай, қуруқ ваъдалар нарина ўтмай юрган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Чунки, Тошкент авиаторлари отряди командири А. Рўзиметов, партия ташкилот секретари Г. Сметаник, 141-автотранспорт парки директори А. Ботиров, партия ташкилотининг секретари Л. Телюк, 1-механизациялашган бошқарма бошлиғи Н. Осонихилар райондаги 2, 6, 35, 252-мактабларга ўз оталиқ ердмаларини ҳамон насиб қилиб келмоқдалар. Ушбу корхона раҳбарлари 4 ва 12-автомобиль парки коллективларидан ўрнат олсалар арзийди. Пировардида районда болалар билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олишга ўз ҳиссаларини қўшган бўлар эдилар.

И. РАХИМОВ, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси ходими.



Йўл ҳаракати қондаларини назар-писанд қилмаслик ва уларни менсимаслик, рулдаги парижонхотирлик, шомашошарлик хунук қўнбатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ҳайдовчи йўлда хушёр бўлиши, йўл ҳаракати белгиларига қаттиқ риоя қилиши керак. Мана шу суратдаги авария ҳам ана шундай қонда бўзиш туфайли содир бўлган.


Х. Сандов фотоси.

Кўча тасодифларга тўла

«Руминия уфилари» журнали шундай оғоқлантиради: соатига 60 километр тезликда метабган икки автомобиль туңнашган пайтда тўсатдан тўхтаб қолган одамнинг ўртача оғирлиги 70 килограммдан то 2500 килограммга ортиб кетаркан. Шундай пайтда жигарнинг оғирлиги 28 нилограмм, милянинг оғирлиги 25, қон эса 84 килограммга чиқиб кетар экан.

Калифорнияда элктрон йўл карталари билан жиҳозланган машиналар пайдо бўлди. Иноқани боссангиз бас, эҳрада бутун шаҳарнинг схемаси пайдо бўлади. Сиз ўзингизга энг қулай маршрутни тақаб олшингиз мумкин.

Қайси белги (табличка) енгил автомобилларини тротуар ёнидаги тўхтаб туриш жойига қўйиш устулини кўрсатади?



1. 2. 3. 4. 5.

Жавобларингизни текширинг

Газетамизнинг шу йил 29 январь сониде берилган биричи топшириққа қуйидаги жавоблар олинди. Топшириқда берилган «Ким йўл бериши шарт?» — деган саволга Х. Чориева, М. Салимов, Н. Раҳимбеков, Ш. Хидирова, Г. Акрамова, С. Номозов, З. Раҳимжонов, А. Эгамбердиев, А. Номозов, З. Мирсаидов ҳамда Аҳмаджоновлар ва Ҳамдамовлар оиналари тўғри жавоб беришган.

Оқшомхонлардан Ф. Матёкубова, Алимовлар оиласи, Н. Норқулов, Н. Маматқулов, У. Абдуллаев, Ш. Шожадилова, И. Исмаилов, Н. Ганиев, М. Асадуллаев, У. Юсупов, Ф. Юсупов, Р. Раҳимов, Т. Абдуллаев, Я. Амуршов, Р. Мадаббевлар топшириқни тўғри ечилишган.

Шунингдек, шаҳримиздаги 179-мактабнинг 4-б синф ўқувчиси Бахтия Рустамова саволга тўғри жавоб йўлаган. Бунда у асосий йўл ва иккинчи даражали йўл нимадигини билимасда, қирқан тўғри жавоб йўлаган.

Юқорида эса топшириқнинг эътиборига иккинчи топшириқни ҳавола этмоқдамиз. Жавобларингизни кутамиз.

Т. ТОШЕВ, Р. ИКРОМОВ.

Рассом сафардан қайтди

Рўзи Чориев. Бу номин тилга олишимиз билан кўз олдимизни хушманзар Бойсун тоғлари, қўркам боллар, сержило полотнолар, энг муҳимини, бутун ижодини, таланттини она халқига бағишлаган нисон қиёваси кўз олдимизга келадил.

Ўзбекистон ССР халқ рассომ Рўзи Чориев жушқини «Йўлқалам соҳиб». У сермашху рассом сифатида донг қозонган. Кўпдан-кўп саҳатларда бўлад. Швейцария, Италия, Кипр, Марокко, Болгария, Афғонистон — булар рассом босиб ўтган йўлларнинг гувоҳи бўлган жойларидил.

Яқинда Рўзи Чориев Вьетнам Социалистик республикасида қилган ижодий сафаридан қайтиб келди. Ҳозир рассом устонасида сафар таассуротлари акс этган қораламалар тайагини.

— Вьетнамликлар олжано, йомшоқ табиатли меҳмондўст халқ экан. Улар бизга жуда кўп нарса кўрсатишди. Тарихий ёдгориқлар, маданият марказлари хотирмизда абадий қолади, — деб ҳикоя қилади Рўзи Чориев. — Вьетнам — сирлар ўлкаси. Менда бу мамлакат табиати кучли таассурот уйғотди. Қиш бўлса ҳам атроф қўм-қўм. Бу юрдада кеңган икки ҳафта икки кундек тез ўтиб кетди.

Менга Аждаҳо кўрғазми, айниқса, ёқди. Уч мингдан зиёд оролчалар сувдан худди аждаҳонинг боши сингари чиқиб турибди. Биз теплоходда сузиб бораётганимизда кўз ўнгимизда афсонавий манзара намоён бўлди. Ҳатто Арктикада ҳам бунасини кўрмаганман.

Рассомлариникида ҳам меҳмон бўлди. Улар у қадар маъмур ҳаёт кечирмишайди. Фақат

ижодий иш билан банд бўлишолмайди. Ҳар бирининг кичик дўкончаси бор бўлиб, бу ерда ўз асарларини сотишар, ёки хўжалик юртишар экан.

Мен Вьетнамга шахсий кўргазма билан бордим. Кўргазма Ханой ва Хошиминда намойиш этилди.

Зал ҳаммаша одамлар билан гавжум бўлди. Бунинг мен катта мамнуқини билан эспайман. Вьетнамда ўз асарларини намойиш этган ўзбекистонлик биринчи рассом эканлигиндан фалхланман.

— Яқинда, — суҳбатни якунлар экан деди Рўзи Чориев, — бу дўст мамлакатнинг рассомларидан бирини ўз устонамда қабул қилман. Бу сафар мобайнида энг ахши воқеалардан бири бўлди: биринчи марта биз Ўзбекистон ва Вьетнам рассомлари союзи ўртасида бевосита алоқа қилиш тўғрисидаги шартномани имзоладик. Энди бизнинг ижодий алоқаларимиз яна ҳам мустаҳкам бўлади. Ҳар йили ҳар бир республикадан учтадан рассом бир-бирлариникига меҳмон бўлиб келишади. Кўргазмалар алмашмишади.

Рўзи Чориевнинг Вьетнам сафари таассуротлари яқин кунларда бўёқларда акс этади.

Н. ҒУЛОМОВА, Б. БАХРОМОВА.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ССР халқ рассоми Рўзи Чориев ўз устонасида. Рассомнинг сафар лавҳалари.

Р. Шагаев фотолари, (ЎЗАТ) фотохроникаси.



